Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 249 (4944)
5 НОЯБРЬ 1982 й.
ЖУМА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

СССР 60 йил

МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИМИЗ— УЛУҒ ОКТЯБРГА!

Биз ҳаммамиз— пахтакормиз

ПАХТАЗОРДАН ДАРАКЛАР № 32

УЛУҒ ОКТЯБРЬ ШАРАФИГА СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАНИ АВЖ ОЛДИРГАН РЕСПУБЛИКАМИЗ ПАХТАКОРЛАРИ ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ ЮКСАК ДАВОНИНИ ЭГАЛЛАШ УЧУН БУТУН КУЧ ВА ИМКОНИЯТЛАРИНИ ИШГА САФАРБАР ЭТМОҚДАЛАР.

● Бухоро областининг Ромитан райони пахтакорлари Улуғ Октябрь шарафига мусобақани қизитиб, катта зафар қучдилар. Ватан хирмонига 48.600 тонна «оқ олтин» етказиб бериб, йиллик маррани эгалладилар. Ҳосилнинг 85 процентни биринчи сортларга қабул қилинди.

● «Яна 10 минг тонна пахта тайёрлаймиз» — Тошкент областининг Пискент районидаги КПСС XXVI съезди номли совхоз меҳнат аҳлининг бугунги шиори ана шундай. Хўжаликда 8.583 тонна пахта тайёрланди. Машиналар билан 7 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» терилди.

«ОҚ ОЛТИН» — ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 4 ноябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён.

ТОШКЕНТ	0,14	107,96
ХОРАЗМ	0,52	102,82
ҚҚАССР	0,84	100,85
Бухоро	0,80	98,70
Навоий	0,81	92,41
Сурхондарё	0,49	89,46
Сирдарё	0,53	84,23
Қашқадарё	0,80	82,34
Жиззах	0,78	82,32
Самарқанд	1,02	81,42
Андижон	0,64	80,32
Наманган	0,63	79,90
Фарғона	1,05	79,08
Республика бўйича:	0,70	88,35



Махсус мухбирларимиз Ҳ. Икромов, А. Хатамов, А. Эгамназаровлар Сирдарё ва Жиззах областларидан хабар қиладилар:

31. СТУДЕНТ-ЁШЛАР МАДАДИ

● 6 МИЛЛИОН ТОННА УЧУН ШИДДАТЛИ КУРАШ ДАВОМ ЭТМОҚДА. ● ТАБИАТ ИНЖИҚЛИГИНИ ЕНГИБ ● МУРОЖААТГА ЖАВОБАН.

АНКЕТА САВОЛЛАРИ:

1. Бахт деганда нимани тушунасиз!

2. «Меҳнат семестри»га муносабатингиз қандай!

Бугун анкета саволларига Тошкент автомобиль йўллари институти йўл қурилиши машиналари факультетининг 2-курс студенти Маҳмуд АБДУРАҲИМОВ жавоб беради:

1. Ўз орзу-истагига эришган, ниятлари рўёбга чиққан кишини бахтли деб биламан.

2. «Меҳнат семестри»да айниқса студент-ёшлар бир жиҳатдан дам оладилар. Бу дам олиш шу маънодаки, ўқишнинг тиғиз программаларидан мия чарчаганда «меҳнат семестри» бу чарчоқни йўқотади.

«Матбуот маркази»га Жиззах область Арнасой район Совети ижроия комитетининг ходими Анваржон Имомовдан хат келди. «Бир неча йилдирки, — дейилади унда, — Халқлар дўстлиги орденли Тошкент халқ хўжалиги институтининг кўп минг кишилик коллективи Жиззах даштидаги қўриқ Арнасой райони хўжаликларининг пахтакорларига ҳосилни тез ва соз йиғиштириб олишда мададкор бўлмоқдалар. Институтнинг 4380 дан зиёд йигит ва қизлари мўл «оқ олтин»ни ота-Ватан хазинасига топширишдек олижаноб ишда арнасойликларга яқиндан ёрдам бермоқдалар. Олима Сайфутдинова, Ирода Топиболдиева, Дилором Сандова, Фарҳод Қаландаров сингари юзлаб студентлар бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар. Факультетлараро социалистик мусобақада қишлоқ хўжалиги экономикаси факультети коллективи олдинда бормоқда. Шу факультетнинг 555 студенти Юлис Фучик номли совхознинг 10-бўлими далаларида теримда ғайрат-шижоат кўрсатмоқда.

Шунингдек қўшни Жуков номли қўриқ совхозда савдо-иқтисод ҳамда иқтисодий кибернетика факультетларининг студентлари терим суръатини кун сайин оширмоқдалар. Умуман эса институт коллективи эришган ютуқлари учун Қизил байроқни қўлга киритишга ҳам муяссар бўлган. Мурожаатга жавобан кейинги кунларда ҳам терим суръатини кучайтирмоқдалар».

Бу мактуб билан Октябрь район партия комитетига бораётганимизда танишдик. Ҳақиқатан бу мактубни жиззахликларнинг тошкентлик студент-ёшлар — ҳашарчилар ҳимматидан астойдил миннатдор эканликлари ифодаси деб билмоқ керак.

Район партия комитетининг биринчи секретари Муқим Ҳасанович Ҳасанов билан учрашганимизда у районга ҳозиргина Жиззах область партия комитетининг секретари Ўктам Зокирович Олимов келганлигини айтди. Қизиғи шундаки, яна бир неча дақиқадан сўнг ўтказиладиган йиғилишда келгуси йил ҳосилининг тақдири муҳокама қилинар экан. Асил пахтакор деб шуларни айтса бўлади! Қаранг, йиғим-терим энг авж палласида-ку лекин пахтакорлар келгуси йилнинг ғамини ҳам ўйлашяпти.

— Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, коллектор, дренажларни тозалаш, ирригация шахобчаларини қуриш масалаларини кўриб чиқамиз,— деди райком секретари.

Биз тошкентлик ҳашарчилар иши билан қизиқдик. Кўринишидан ёш, ғайратли ва синчков райком секретари чеҳрасига бирдан табассум ёйилди.

— Районимизда 10 минг 900 дан зиёд ҳашарчи ишламоқда. Улар ҳар куни ўртача 588 тоннадан пахта териб беришяпти. Улар орасида физкультура, темирйўл транспорти инженерлари, фармацевтика институтлари ва бошқа бир қатор олий юртлари коллективлари бор. ТошПИнинг Жиззах филиали студентлари ҳам жонбозлик кўрсатиб ишлашмоқда. Биз борган кунгача фармацевтика институти 775, темирйўл транспорти инженерлари институти 635, физкультура институти 336 тонна пахта терибди. Бу институтларнинг ҳар бир студенти ҳисобига ўртача ҳар куни 44, 30,3 ва 42,1 килограммдан пахта тўғри келган.

Бу районда Ленин районининг ҳашарчилари мададкор бўлмоқдалар. Бу ерда ҳар беш кунда терим натижалари якунланмоқда. Илғорлар рағбатлантириб борилмоқда. Октябрь район партия комитети қишлоқ хўжалиги бўлимининг мудири Даврон Примовнинг ҳикоя қилишича, район 10 йил илгари тап-тақир чўлдан иборат экан. Ҳозир эса пахта терими суръати бўйича областда иккинчи ўринда боряпти. Ҳатто сентябрь ойининг учинчи ўн кунлигида район республика кўчма Қизил байроғини олишга сазовор бўлган. Хўжаликларда 412 та терим машинаси ишлаяпти. Терим Тошкент технологияси асосида ташкил этилиб, 77 та отряд тузилди, 41 та техника хизмати кўрсатиш ва 41 та маиший хизмат кўрсатиш звеноларини иш олиб бормоқда. Пахта хирмони учун икки томонлама фронт — ҳам техника билан ҳам қўл кучи билан кураш олиб борилаётгани ўз самараларини бермоқда.

(Давоми 3-бетда).

ПЕШҚАДАМ РАЙОНГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ТОПШИРИЛДИ

Кеча Октябрь район партия комитетида районга шаҳар партия комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, Тошкент область касаба союзлари Совети ва шаҳар комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғини топширишга бағишланган актив йиғилиши бўлиб ўтди.

Пойтахтнинг Октябрь райони меҳнаткашлари шаҳарда СССР 60 йиллиги шарафига кенг қулоч ёйдирилган социалистик мусобақада тўққиз ой якуни бўйича биринчи ўринни эгалладилар. Район индустрияси йил бошидан бери барча асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича, шу жумладан, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича план-топшириқлар и н и анча ортиғи билан адо этди. Социалистик мажбуриятлар ҳам ошириб бажарилди. Жумладан, январь-сентябрь ойларида планга қўшимча маҳсулот реализация қилиш 4 миллион 351 минг сўмни ташкил этган бўлса, мажбуриятга қўшимча 571 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 6,5 процентга ўсди. Бунга асосан меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига эришилди.

Тўққиз ой мобайнида, Октябрь олди меҳнат вахтасида «Средазэнергоцветмет» корхонаси, «Малика» трикотаж, «Ташкентпиво», тикувчилик бирлашмалари, мебель саноати министрлигининг тажриба-техника заводи юксак кўрсаткичларга эришдилар.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Учқун Умарович Умаров район меҳнаткашларини Улуғ Октябрнинг 65 йиллиги арафасидаги меҳнат галабаси билан табриклади ва районга шаҳар партия комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, Тошкент, область касаба союзлари Совети ва шаҳар комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғини топширди.

Актив йиғилишда сўзлаган Октябрь район партия комитетининг биринчи секретари О. Расулов, «Малика» трикотаж бирлашмасининг бош директори Б. Эргашев, «Ташкентпиво» бирлашмасининг тикувчиси М. Одилова, «Средазэнергоцветмет» корхонаси радиомонтажчиси Н. Ларина ва бошқа меҳнат коллективлари юксак унумли меҳнат қилиб, Советлар мамлакатининг юбилейи шарафига қабул қилинган план ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли адо этишга қатъий аҳд қилганликларини изҳор этдилар.

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ ГАЗЛАМА

Тошкент «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида коммунист У. Долимов бошчилик қилаётган нотўқима газламалар участкасининг меҳнатчилари Улуғ Октябрнинг 65 йиллиги шарафига қабул қилинган социалистик мажбуриятини муддатидан илгари адо этиб, байрамни кутиб олмоқдалар. Коллектив йил бошидан буён 700 минг погон метрдан ортиқ жун ва ярим жун газлама ишлаб чиқарди. Бу эса йиллик топшириқдан икки юз минг метр кўпдир.

Ягона наряд билан ишлаётган бригада кенгаши аъзолари С. Бочкарев, Н. Ладаускева, Л. Юдаева, О. Аҳмедов ва бошқалар белгиланган марраларга эришилишида салмоқли ҳисса қўшдилар. Улар хизмат қилиш зонасини кенгайтиришда, хом ашё сарфини камайтириш ва маҳсулот сифатини оширишда ёшларга кўмаклашдилар.

Октябрь олди вахтаси кунларида «Коммунистик меҳнат коллективи» фахрий номини қўлга киритган участка нашчилари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигигача яна камида пландан ташқари 100 минг погон метр газлама ишлаб чиқаришга сўз бердилар.

(ЎзТАГ).

ЖАМОАТ ТАРТИБИ ПОСБОНЛИГИДА

Кеча Тошкент шаҳар партия комитетида кўнгилли халқ дружиналари шаҳар штабининг мажлиси бўлди. Унда Октябрь район ижроия комитети раисининг ўринбосари В. И. Берковичнинг жамоатчиликни ҳуқуқ-тартибот бузилишларига қарши курашга сафарбар этиш бўйича кўнгилли халқ дружиналари районни штабининг иши тўғрисидаги ҳисоботи тингланди.

Октябрь районида кўпгина кўнгилли халқ дружиналари муваффақиятли ишлаб турибди. Милициянинг актив ёрдамчилари бўлган дружиначилар жамоат тартибини муҳофаза қилишда, жиноятларнинг олдини олиш ва уларни очиб ташлашда яқиндан ёрдам бермоқдалар. Шу билан бирга кўнгилли халқ дружиналари фаолиятида жиддий камчиликлар ҳам бор. Ана шу камчиликларни тугатиш учун тегишли чоралар кўрилмоқда.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармасининг бошлиғи милиция генерал-майори И. Ғ. Сатторов йиғилганларга байрам арафаси кунларида жамоат тартиби қандай муҳофаза қилиниши ҳақида гапириб берди.

Мажлис ишида Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари, кўнгилли халқ дружиналари шаҳар штабининг бошлиғи К. П. Дудин иштирок этди ва сўзга чиқди.

ҲАМШАҲАРЛАР, СИЗЛАР УЧУН

АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК

«Главташпасс а в т о т р а н с» бошқармасига қарашли 2-маршрутли такси корхонасининг коллективи йўловчиларга янада қулайлик туғдириш мақсадида янги маршрут линияларини ишга туширмоқда. Ҳозир 31 та маршрут бўйича бир суткада 30 мингдан ортиқ йўловчига хизмат кўрсатилиб, бу машиналар 79,5 минг километр масофани босиб ўтмоқда.

Яқинда Темир йўл вокзалидан Сергей Лазо кўчасигача 1-машрутли такси хизмати жорий этилди. Бундан ташқари Юнусобод массивидан Шимолий-шарқ массивининг 3-«а» кварталигача 28-маршрутдаги такси хизмат кўрсата бошлади. 29-маршрутдаги такси эса метронинг Собир Раҳимов станциясидан Эркин посёлкасигача қатнайдиган бўлди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида

БАРЧА РЕЗЕРВЛАР— ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисга Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси В. О. КОЗИМОВ раислик қилди.

Шаҳар хўжалигини иқтисодий ва социал ривожлантириш плани, социалистик мажбуриятларнинг 1982 йил январь—октябрь ойлари якунлари қараб чиқилди. Шу нарса таъкидландики, умуман республика пойтахтининг саноат корхоналари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига қабул қилинган мажбуриятларни муваффақиятли адо этмоқдалар. Меҳнат унумдорлиги муайян даражада ошди, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати яхшиланди, унинг турлари кўпайди. Лекин шу билан бирга айрим корхоналар ўз олдиларига қўйилган вазифаларнинг уддасидан чиқолмаётирлар. Ижроия комитет мажлисида қолоқликка йўл қўяётган корхоналарнинг иши чуқур таҳлил этилди, нуқсонларга барҳам бериш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланди.

Ижроия комитет мажлисида халқ депутатлари Акмал Икромов район Совети ижроия комитетининг сайловчиларнинг наказларини бажариш бўйича амалга оширган ишлари ҳақидаги масала ҳам қараб чиқилди. Район Совети ижроия комитети корхоналарнинг фаолиятига янада чуқурроқ кириб борадиган бўлди, бу эса ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. 15 октябргача СССР Олий Совети депутатларига берилган бешта наказдан учтаси, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатларига берилган 21 наказдан 14 таси бажарилди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети социалистик мулк дахлсизлигининг аҳволи ва уни таъминлаш бўйича тадбирлар тўғрисидаги, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети савдо Бош бошқармаси корхоналарида тежамкорлик режимига риоя қилиш ва рентабелликни ошириш ҳақидаги масалаларни ҳам қараб чиқди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети қараб чиқилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Ижроия комитет мажлисида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг секретари Б. Е. Халилов қатнашди.

ТОШКЕНТ ҒАРОНАСИ КОНКУРС

ЯНГИ РУБРИКА:

• ОКТЯБРЬ МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА

ҲАММАСИНИ СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ БЕРДИ

ФОТОРЕПОРТАЖ





«Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси темирчиси, қатор орденлар кавалери, Ўзбекистон Компартияси Киров район комитетининг аъзоси Ғулом Ҳолматов ҳақида. У фахр билан шундай дейди: «Мен нимагаки эришган бўлсам ҳаммасини совет ҳокимияти берди!».

* * *

Фоторепортаж автори— «Экономика и жизнь» журнали фотомухбири Алексей ЖДАНОВ.

У болалар уйида камол топди. У ўша ердаёқ совет ҳокимиятининг ўзи ҳақидаги доимий ғамхўрлигини ҳис этарди. Ҳунар билим юртини битиргач, бутун ҳаётини «Узбексельмаш» бирлашмаси билан боғлади. Меҳнат унинг учун ижодий ишга айланди. Эндиликда у ўзи тўплаган бой билимини ёшларга улашаяпти. Ғ. Холматов СССР 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақага қўшилиб, кунлик топшириқни 20—30 процент ошириб бажармоқда.

Зарбдор меҳнат кунидан кейин уни жамоат ишлари кутади. Одамлар маслаҳат сўраб, турли масалаларни ҳал этиш учун унинг ёнига келишади.

У бўш вақтини фарзандларига бағишлайди. Фарзандларни етаклаб Тошкент бўйлаб сайр этиш, ўзининг 2000 йиллигига тайёргарлик кўраётган Ўзбекистон пойтахтининг диққатга сазовор жойларини кўрсатиш қандай яхши.





6 миллион тонна пахта учун

КОРХОНАМИЗ ҲИММАТИ

Серқуёш Ўзбекистонимизнинг катта ҳирмони учун бўлаётган қизғин курашда пойтахтимиздаги кўпгина корхоналарнинг ишчи ва хизматчилари ҳам далаларга бел боғлаб чиқдилар. Улар орасида «Учқун» тўқимачилик-галантерея ишлаб чиқариш бирлашмасининг Собир Раҳимов районидаги бадиий нақшкорлик фабрикаси коллективи борлиги билан ҳам фахрланамиз.

Фабрикамизнинг ишчи ва хизматчилари бир неча ҳафтадан буён Бекобод районидаги «Авангард» совхози далаларида термида қатнашмоқдалар. Ҳашарчиларимизнинг меҳнатидан хўжалик пахтакорлари мамнун бўлишяпти. Улар далаларда инсон муҳаббати ва ғайрати билан етиштирилган «оқ олтин» дурдонасини нобуд қилмасдан териб олмоқдалар. Корхонамизнинг 30 кишидан иборат термачилар бригадаси ҳашарда ажойиб меҳнат намунасини кўрсатмоқда. Ишчи термачиларимиздан Мурувват Сандумарова, Гули Мирафзалова, Муножаат Бадалбоева, Феруза Султонова, Раъно Исроилова, Севара Ғуломова, Шоҳида Ғафурова, Манзура Йўлдошева кабилар ҳар куни 50— 60 килограмдан пахта териб хирмонга тўкмоқдалар. Ҳашарчиларимизнинг шу кунга қадар қилган меҳнати баракали бўлди. Хирмонимиз 15 тоннадан ошиб кетди.

Республикамиз партия ва ҳукуматининг барча меҳнаткашларга қарата қабул қилган Мурожаатидан илҳомланган ҳашарчиларимиз термн ишларини янада авж олдиришга бел боғладилар. Биз Улуғ Октябрь байрамига муносиб меҳнат армуғонини ҳозирлаяпмиз.

Н. ХЎЖАЕВА.

Собир Раҳимов районидаги бадиий-нақшкорлик фабрикаси ишчиси.

БАЛЛИ, ОТАХОНЛАР

Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатидан руҳланган Акмал Икромов районидаги «Оқ тепа» маҳалласининг 30 нафар отахони Коммунистик районидаги Свердлов номли колхозда ёрдам беришди.

Маҳалла оқсоқоллари советининг раиси Комилжон ота Ҳошимов етакчиларига улар тушган автобус далага йўл олди.

...Мана биринчи бўлиб, этагини тўлдириб отахонлардан бири хирмонга яқинлашди. Тарозибон отахоннинг улушини тортиб кўрди...

— Низом Тиллахўжаев,— деб таништирди отахон ўзини. Ўша маҳаллада истиқомат қиламан. Ёшим 80 дан ошди. Шундай бўлса ҳам, лекин ўзимни худди ёшлардек тетик сезаман. Бугун, ушбу ҳашарда 40 килограмм пахта термоқчиман.

Бирин-кетин отахонлар хирмонга яқинлашмоқда. Уларнинг кечгача уйган пахтаси 900 килограммга етди. Қобил ота Маннопов, Ғани ота Мавлонов, Ҳаким ота Мусаев, Маҳмуд ота Маъдалиев, Ғофир ота Муҳаммаджонов, Мирсиддиқ ота Мирсоатовлар 40 килограммдан «оқ олтин» териб, хирмонга тўкишди.

Ш. ҲИДОЯТОВ.

МУСОБАҚА ҒОЛИБИ

Шу кунларда ҳамманинг қалби пахта ишқи билан ёнмоқда. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети коллективи Сирдарё области пахтазорларида 6 миллион тонналик хирмонга ўзининг улушини қўшмоқда. Олий ўқув юртлари ўртасидаги социалистик мусобақа якунларига кўра университет коллективи ғолиб деб топилди.

Оқолтин районидаги Ворошилов номли совхоз далаларида меҳнат қилаётган «Марксист», «Забткор», «Идеолог», «Тарихчи» отрядлари факультетлараро социалистик мусобақада пешқадамлик қилишмоқда.

Ўзбек филологияси факультети студентлари «Ҳар куни 60 килограммдан пахта териб берамиз» деган ташаббус билан чиқишди. Бу ташаббусга қўшилган фалсафа-иқтисод факультетининг «Марксист» отряди 5 кунлик мусобақада ғолиб чиқиб, кўчма Қизил байроқ ва пул мукофотини қўлга киритди. Санда Шукурова, Татьяна Кривчук, Тошпўлат Жўраев, Лола Раҳмонова, Гулнора Улуғбекова, Толиб Тиллобов, Гулзода Зайниддинова каби студент-ёшлар ҳар куни 100-120 килограммдан пахта териб бошқаларга ибрат бўлишмоқда.

И. ОЧИЛОВ.

• Ишчи ўз ҳамкасби ҳақида

АНОРГУЛ—СИФАТ ПОСБОНИ


СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи ишчи ва хизматчилари «СССР 60 йиллиги шарафига 60 зарбдор ҳафта» меҳнат вахтасида туриб трактор ва прицепларнинг сифатини янада яхшилаш учун курашмоқдалар. Бу борада корхона техника назорати бўлими ходимларининг меҳнати самарали бўляпти. Улар заводнинг ўттиз беш коллективида фаоллик кўрсатишмоқда. 1-прицеп йиғув цехи, 19 ва 31-механика йиғув цехлари ҳамда 3-прицеплаш ва пайвандлаш цехи техника назоратчилари иши диққатга сазовор бўляпти. Бу бўлимнинг ана шундай илғорларидан бири Аноргул Тузелбоевадир. Ў мана беш йилликдан буён 3-преслаш ва пайвандлаш цехида меҳнат қиляпти.

Аноргулнинг тракторсозлик корхонасига ишга келиши бежиз эмас. Унинг отаси Туроб ака ва онаси Холбека аяларнинг кўп йиллаб заводдаги меҳнат завқи Аноргул муҳаббатини оширди. У ҳеч иккиланмай 104-ҳунар-техника билим юртига ўқишга келди. Уни аъло баҳолар билан тугаллаган қиз ота-онасининг қадрдон иккинчи уйи — тракторсозлар масканига келди.

Сифат посбони бўлган қиз ҳозирда цехнинг Наргиза Мирзабоева, Валентина Сергеева, Тамара Мисюк, Сония Собирова, Зуҳра Зокирова, Ольга Крайникова ва Света Ким каби илғор техник назоратчилари билан социалистик мусобақада беллашмоқда.

Завод қошидаги кечки машинасозлик техникумининг тўртинчи курс студенти Аноргул Тузелбоева ишлаб чиқариш илғорига бўлмасдан, талабчан ва актив жамоатчи қиз ҳамдир. Ў бошлиқ корхонанинг 11 техник назоратчиси шу кунларда тракторсозлар массивидаги 35-ўрта мактабда оталиқ ишлари олиб боряпти. Асосий мақсад ўқувчилар ўртасида завод маданий ҳаётини, меҳнат ветераналари фаолиятини ва бошқа ташкилий ишларни тарғиб қилиб, ёшларда ишчи касбига муҳаббат уйғотишдир. Аноргулнинг бундай меҳнатлари Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг «Фахрий ёрлиғи» билан тақдирланган.

Ғ. РАЗЗОҚОВ,
Тошкент трактор заводи ишчиси.



Республикамиз пахтазорларида Ўзбекистоннинг 6 миллион тонналик «оқ олтин» хирмонини уюш учун кенг кураш кетаётган ҳозирги шароитда «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи пахтачилик учун мўлжалланган тракторлар ва прицеплар ишлаб чиқариш суръатини тобора оширмоқда. Тракторсозлар Улуғ Октябрь байрамини ўн ойлик планни муддатидан аввал бажариш билан кутиб олдилар. Республиканинг колхоз ва совхозларига планга қўшимча талайгина трактор ва прицеплар юборилди.

СУРАТДА: бош конвейердан янги тушириб олинган тракторлар.

Қ. Исоқов фотолари.

БОШ МУХБИРИМИЗДАН

ТОШКЕНТ оқшоми

ҳамкорлар

ОТАЛИҚ ШАРТНОМАСИ —АМАЛДА

ҲАМКОРЛИК ДАВОМ ЭТАДИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг сентябрь ойида бўлиб ўтган VII Пленуми совет фанини янада ривожлантириш, уни амалиёт билан, турмуш билан ҳамкорликда бўлишини таъминлашга бағишланди. Бу эса совет фанига, олимлар меҳнатига партиявий ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг тарих институти олимлари партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг май (1982 йил) Пленуми қарорларига амал қилган ҳолда республикамиз областлари педагогика институтлари билан қўриқ оталиқдаги Термиз, Фарғона, Қўқон педагогика институтлари учун малакали педагоглар тайёрлашга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келаётган бўлсалар, қўриқ «Пахтакор» совхози ишчилари учун лекция ва суҳбатлар уюштиришмоқда. Яқинда институт олимларининг илмий асарлари туркуми совхоз кутубхонасига тақдим этилди.

Авиация техникумида эса институтимиз олимлари ташаббуси билан лекторий ташкил этганмиз. Лекторийда институтимизнинг таниқли олимлари ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш мавзуидаги лекция ва суҳбатлари билан қатнашиб келмоқдалар. Бу ерда тарих фанининг ютуқлари пропаганда қилинмоқда, шу куннинг долзарб масалаларига эътибор қилинмоқда. Шу нарса диққатга сазоворки, лекторийда ёш олимлар ҳам ўқувчилар билан учрашиб, лекторлик маҳоратларини ошириб бормоқдалар. Бу эса ўз навбатида ёш пропагандистларимиз учун катта синов мактабидир.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президиуми яқиндагина «Ўзбекистон ССР Фанлар академияси илмий-тадқиқот институтларининг Хоразм области колхоз ва совхозлари билан ҳамдўстлиги ҳақидаги шартнома»ни тасдиқлади. Ана шу шартномага кўра, академиянинг қатор институтлари билан бир қаторда бизнинг институтимиз Хонқа районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозини оталиққа олди.

Олимларнинг «Октябрь 40 йиллиги» колхози билан танишиши қизиқарли бўлди. Биз шартномада кўзда тутилган тадбирларни келишиб олиш мақсадида колхоз ҳаёти билан яқиндан танишдик. Колхознинг уста пахтакорлари, меҳнат ветераналари билан суҳбатлашдик.

Колхоз хўжалиги билан танишар эканмиз, ҳозир жасорат майдони — пахта далаларида етказилган мўл ҳосилни қисқа муддатда, нобуд қилмасдан йиғиб-териб олишга бутун куч сафарбар этилганининг гувоҳи бўлдик. Шуни айтиш керакки, ўтган йили областда энг қолоқ ҳисобланган хўжалик бу йил пахтадан юқори ҳосил етиштириб, областда тўртинчи бўлиб маррага етди. Колхоз заршуносларн 1162 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан 4648 тонна «оқ олтин»ни давлатга топшириб, 9 октябрдаёқ йиллик планни барвақт бажардилар. Оталиқдаги колхоз далаларида ҳали ҳосил мўл, колхозчилар ҳар гектаридан яна 10 центнердан ҳосил йиғиштириб олиб, ҳосилдорликни 50 центнерга, ялпи ҳосилни эса 5800 тоннага етказишга аҳд қилганлар.

Дўстларимизн и н г ютуғи бизнинг ҳам ютуғимиз. Уларнинг қувончи бизнинг ҳам қувончимиздир.

Б. АМИНОВ,
М. ЖЎРАЕВ,
тарих фанлари кандидатлари.

Конвертларни очганда

ЮРИСТЛАР СЕМИНАРИ

СССР мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига қарашли корхоналар ва ташкилотлар юристларининг регионал семинари бўлиб ўтди. Семинар кун тартибига планлаштиришни яхшилаш ва ишлаб чиқаришда хўжалик механизмини такомиллаштириш масаласи асосий мавзу қилиб олинди.

СССР мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги арбитраж ва юридик бўлими бошлиғи В. Кусков бошчилигида ўтган бу анжуманда «Главсредазирсовхозстрой» бошлиғи ўринбосари У. Исомхонов ва бошқалар сўзга чиқиб, КПСС Марказий Комитетининг Май (1982 йил) Пленуми қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш борасида арбитраж ва юридик хизматнинг роли ҳамда вазифалари ҳақида гапирдилар.

Семинарда СССР мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги системасида ишловчи хўжалик раҳбарларига қарата социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришни такомиллаштиришда ҳуқуқий манбалардан фойдаланишни янада кучайтириш бўйича тавсиянома қабул қилинди.

А. ҲАСАНОВ.

ГАЗЕТХОНЛАР МАМНУН

Завод ишчиси Ҳайбатилла Қудратов эрта билан ишга кетаётиб Бешқайрағоч массивидаги 299-киоскага мурожаат қилиб ўтди.

— Ассаломуалайкўм! Менга «Правда», «Известия», «Қишлоқ ҳақиқати», «Совет Ўзбекистони» газеталарини берсангиз.

— Марҳамат,— дея газеталарни узатди киоскачи Латиф ака.

Ҳа, Латиф ака кўп йиллардан бери ҳар тонгдан кечгача эл хизматида. Бу фаол ишчи меҳнатидан эса массивнинг Атоий, Тўқимачи, Уйғур, Шароф, Ҳабиб Абдуллаев, Маҳорат кўчаларида истиқомат қилувчи аҳоли мамнун.

Латиф ака киоскачи ҳамда Акмал Икромов номли маҳалла комитети аъзосидир. Маҳалладаги тўй-ҳашамларни тартибли, чиқимсиз ўтишида бош-қош. Бу киоскадан мунтазам равишда турли газеталар сотиб олувчи пенсионерлар Я. Мирсоатов, С. Алимов, А. Нурмуҳамедов, 123-мактаб тарих ўқитувчиси А. Раҳимов, 89-аптека ишчиси Х. Мирзаев сингари кўплаб газетхонлар Латиф ака Ҳамидов хизматидан миннатдорлар.

М. РИЗАЕВА,
ТошДУ студенти.

ДИЛ СЎЗЛАРИ

(ГАЗЕТХОНЛАР ХАТИНИ УҚИБ)

Устоз! Шу биргина сўзи отадек улуғ, онадек меҳрибон, олижаноб инсон қалби мужассамлашган. Олиму фозиллар, раҳбарудонолар, ишчи-ю-хизматчи, қўйингки, ҳамма касб-кордаги кишилар ўз устозларини дил тўрида эъзозлашади. «Ватан, Она деган сўзларни ўргатган, ҳаётнинг катта йўлига олиб чиққан устозларни ҳеч қачон, ҳеч ким унутмайди, — деб ёзади Ўғилой Ризаева. — Шаҳримиздаги 123-мактабда Анвар Музраббеков, Акбар Ҳошимов, Маҳбуба Салимова, Абдусалом Раҳимов, Ваҳоб Содиқов, Мастура Ҳошимова, Рафиқ Каримов, Аваз Собиров, Ҳакима Жалилова каби моҳир ўқитувчилар ишлашади. Уларни устоз-муаллим деб ҳамма ҳурмат қилади».

Оқшомхон Йўлдош Саримсоқов редакциямизга йўллаган хатида ўқувчиларнинг ахлоқ-одоби, тартиб-интизоми ҳақида, яхши ёки ёмон хулқли бўлишига сабаб бўладиган тарбия ҳақида ёзади. Газетхонлардан Қ. Маликов, О. Туманов, М. Соипова, М. Қорибекова, С. Ризаева, С. Маликова ва бошқалар тарбияси, катталарни иззат-ҳурмат қилиш, ўқитувчиларнинг ўқиш-ўқитиш ишларидаги муваффақиятлари, яхши фазилатли кишилар ҳақида ёзишган.

— Менинг уч яшар қизим Маҳмуда 462-болалар боғчасига қатнайди, — деб ёзади М. Ҳошимова, — шу боғча тарбиячиси Ирина Васильевнадан жуда минатдорман. Бир неча бор кузатганимда у болаларга онадек меҳрибонлик кўрсатаётганлигининг гувоҳи бўлдим. Шундай тарбиячиларга минг бор раҳмат айтсак арзийди.


Бир группа ота-оналар Октябрь районидаги 461-боғча-яслида санитария-гигиена қоидалари бузилаётгани, бу ерда медицина ҳамшираси йўқлиги, боғча территорияси ифлослиги ҳақида куйиниб ёзишган. Бу ачинарли ҳолга тезда барҳам бериш керак.

Газетхонлар шифокорларимизнинг сидқидил ва ширинсуханликлари ҳақида миннатдорчилик хатлари ҳам йўллашган.

— Мени даволаган 3-туғруқхона шифокорларидан жуда миннатдорман, — деб ёзади оқшомхон Моҳира Аҳмедбекова.

Шифокорларнинг фидойилик билан меҳнат қилаётганликлари ҳақида Г. Сарварова, М. Ўлжаев, А. Петров, Н. Куратков, С. Камаев М. Турсунова ва бошқа ўртоқлар ҳам мароқ билан ёзишган.

Оилада тотувлик, аҳиллик, ҳамжиҳатлик, болалар тарбияси, уй-рўзғор тутиш каби ҳаётий мавзулар оқшомхонларимизни ғоят қизиқтиради. Бу мавзуда Ф. Абдуқодирова, М. Жўраева, Ш. Ҳамдамов, Н. Қодирова, Ж. Мирзақулов, Н. Мустақимов, Ҳ. Маликова ва бошқа кўплаб оқшомхонлар ўз фикрларини билдиришган.



Ушбу суратдаги ишчи «Узгазмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг илғор йиғувчиси И. Уринбоевдир. У бирлашмада СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига қизғин давом этаётган социалистик мусобақада фаол иштирок этиб, смена топшириқларини 125-130 процентга етказиб адо этяпти.

СУРАТДА: И. Уринбоев.

ГАЗЕТХОН ХАБАР БЕРАДИ...

КЎЧАЛАР ЁРИТИЛДИ

Шаҳримизнинг 2000 йиллик юбилейи арафасида Октябрь районидаги Маннон Ўйғур маҳалласида ободонлаштириш ишлари бўйича бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Бу ишда айниқса, шаҳар кўчаларини ёритиш идораси бошлиғи С. Толиповнинг ҳиссаси катта бўлди. Шу пайтгача маҳалладаги 33 проезд ва тупикларда қинғир-қийшиқ симёғочлар кўзга ҳунук кўриниб турарди. С. Толиповнинг бевосита раҳбарлиги остида, эндиликда кўчаларга замонавий ёритгичлар ўрнатилган.

Бу тадбирларни амалга оширишда Октябрь район электр тармоқлари корхонаси ишчилари Ж. Хусанов, И. Салимбеков ва бошқалар жонбозлик кўрсатдилар.

М. АБДУЛЛАЕВ.

ОБУНА ҚИЗҒИН

Киров райони мактабларида 1983 йил обунаси шу йилга нисбатан 10,5 минг сўмлик ортганлиги қувончлидир. Айниқса, «Совет Узбекистони», «Правда Востока», «Ўқитувчилар газетаси», «Еш ленинчи», «Комсомольская правда», «Тошкент ҳақиқати», «Вечерний Ташкент» газеталарига кўпчилик обуна бўлди.

Район мактаблари ўртасида шу ойда обуна ишларини 100 процент тугаллаш учун мусобақа қизитиб юборилган. Шу кунгача район мактабларининг ўқитувчилари Марказий ва маҳаллий газета-журналларга кўплаб обуна бўлиб «Союзпечать» ҳисобига 30 минг сўм пул ўтказдилар.

Ёшлар нашрларига ҳам қизиқиш ортиб боряпти. Мактаб ўқувчилари шу кунгача 32 минг сўмлик обуна бўлдилар. Обуна ишлари 5, 9, 12, 70, 235, 239, 17-мактабларда яхши боряпти.

С. СУЛТОНОВ.

ТАШАККУР БИЛДИРАДИ

МИННАТДОРМИЗ

Киши қайси касбда меҳнат қилмасин, ўз касбига бўлган садоқати ва ҳалол хизмати туфайли ҳурмат қозонади.

Собир Раҳимов районидаги 69-алоқа бўлими ходими Нурихон опа Қаюмхўжаева ҳам ҳалол хизмати билан олқишга сазовор бўлмоқда. Бундай қараганда унинг касби— почтальонлик оғир касбга ўхшамайди. Аслида бу қасб кишидан ғайрат, шижоатни талаб қилади. Хат, хабар ва газета, журналларимизни ўз вақтида олиб турамиз. Биз Мевазор ва Бобожонов кўчаларида истиқомат қилувчилар Н. Қаюмхўжаевадан жуда минатдормиз.

Аҳоли номидан:

М. ҲОШИМОВА.

• СОЛДАТ МАКТУБИ

ЖАНГОВАР САФДА

Улуғ Ватанимизнинг қутлуғ тўйига ҳамма жойда қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Бу тўйни муносиб армуғонлар билан нишонлаш биз, оддий солдатларнинг ҳам муқаддас бурчимиздир. Бизнинг ўқчи ротамиз комсомоллари яқинда катта йиғилиш ўтказиб унда бажариладиган ишлар ва амалга ошириладиган тадбирлар ҳақида бафуржа гаплашиб олдилар.

Ротамизда яна бир фазилат борки, биз уни ҳамиша эъзозлаймиз. Ў ҳам бўлса хизмат бурчини аъло адо этаётган рус, украин, қозоқ, молдаван, ўзбек, турк, қирғиз ва бошқа миллат фарзандларининг бир оиланинг тотув фарзандларидек бўлиб яшаши ва хизмат бурчини ўташидир.

Қисмимизда хизмат қилаётган солдатлардан М. Турдиалиев, Ҳ. Гофуров, А. Бадалов, Г. Ерниёзов, Т. Акрамов, Қ. Баққораев ва бошқалар социалистик мусобақанинг олдинги сафида боришмоқда.

Ф. ИСАБОЕВ,
оддий солдат.
Н-қисм.

• *Шаҳар хўжалиги мавзуида*

...ЯНА ХАЗОН ЁҚИШЯПТИ


Йилнинг бошқа фасллари сингари кузнинг ҳам ўзига хосликлари кўп. Бу фасл келгач, об-ҳаво айниқса ўзгарувчан бўлиб қолади: булутли кунлар иссиқ қуёшли кунлар билан алмашиниб туради. Кўз ўнгимизда заранг ва эманлар, терак ва бошқа дарахтлар ўз либосини ўзгартиради. Тўкилган барглар ҳавода учиб, парклар ва хиёбонларнинг йўлкаларига, кўчалар ва проспектларга сочилиб ётади.


Бу ўз навбатида шаҳар хизматларининг ишини кўпайтиради. Бироқ, фаррошлар, «Автодорме х б а з а»ларнинг ходимлари, баъзан эса шаҳарликларнинг ўзлари тўкилган хазонни дарахтлар остига қўмиш ёки шаҳардан чиқариб ташлаш ўрнига ёқиб юборишади. Бунинг натижасида шаҳар кварталлари узра заҳарли тутун ёйилади, магазинлар, болалар боғчалари ва мактаблар ёнида гулханлар тутайди. Бу ўз навбатида атроф-муҳитни ифлослантирибгина қолмай, яшил ниҳолларни шикастлайди. Чунки олов хиёбонларни қоп-қорайтириб, ялангоч қилиб қўяди. Айрим уйлар атрофидаги чала куйган дарахтлар бунга мисол бўла олади. Буларнинг ҳаммаси ўзининг 2000 йиллик юбилейига тайёргарлик кўраётган шаҳримизга доғ туширяпти».

Хазон ва маиший чиқиндилар ёқиб юборилишига чек қўйиш мақсадида санитария милицияси, районларнинг ободонлаштириш бошқармалари ходимлари, кенг жамоатчилик иштирокида ҳар куни рейдлар ўтказишяпти. Октябрь ойининг фақат 10 кунида 120 жойда хазон ёқилгани аниқланди. Буларнинг энг кўпи шаҳарнинг марказий — Ленин ва Куйбишев районларига тўғри келди. Хазонлардан осон йўл билан қутилмоқчи бўлган қоидабузарлар орасида «Ташлимводторг» сотувчиси Б. Иброҳимова, Куйбишев райпишчеторгига қарашли 16-магазин мудири Х. Халибоева, 45-ЖЭУ бошлиғи А. Чиркова, 2-мактаб-интернат ўқитувчиси Ф. Мирусмонов, «Узспортлото» киоскачиси В. Ильичов ва бошқалар бор. Кўриб турганингиздек, улар Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети томонидан тасдиқланган ҳама учун мажбурий ҳисобланган жамоат тартиби, ободонлаштириш ва санитария қоидаларига риоя этишни ўзлари учун эп кўришмаган.

Барча қоидабузарлар тўғрисида маъмурий протоколлар тузилиб, тегишли чора кўриш учун район ижроия комитетларининг маъмурий комиссияларига юборилди. Бундан ташқари рейд бригадаси аъзолари текшириш пайтида бундай нуқсонларга йўл қўймаслик тўғрисида тушунтириш суҳбатлари ўтказишяпти. Бу масалада жамоатчилик уй комитетлари, кўнгилли халқ дружиналари, корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари самарали ёрдам беришлари лозим.

М. ЖЎРАЕВ,
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси бўлинмаси бошлиғи, милиция майори.





Бугунги Тошкент.

СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон ССР рассомлар союзининг кўргазма зали биноси ва Ўзбекистон кўчасининг шу кунги кўриниши тасвирланган.

В. Таран фотолари.

ТОШКЕНТ

Тошкент тарихини биласизми?

«ОҚШОМ» АНКЕТАСИГА КЕЛГАН ЖАВОБЛАРДАН

«МИНГ ШАҲАР МАМЛАКАТИ»

Академик Ойбек номидаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейида VIII асрга оид ҳужжатдан намуна қўйилган. Бу Шоҳдаги сўғд элчиси хатининг фотонусхаси бўлиб, унда араблар вайрон қилган жойлар, Шош ва Фарғона ҳукмдорларининг арабларга қарши иттифоқи ҳақида фикр юритилади.

Биз ўша даврдаги Тошкент ҳақида нима биламиз? Археолог М. Филанович ёзишича VII—VIII асрларда Тошкент области Чоч — яъни «минг шаҳар мамлакати» деб аталган. Тошкент территорияси ўрнида илк феодал даврининг 5 шаҳри, 50 тача шаҳарча ва қасрлар жойлашган. Улардан энг йириги Салор бўйидаги Мингўрик шаҳарчаси бўлиб, у тахминан 30 гектар майдонни эгаллаган. Юнусобод Оқтепаси, Хонободтепаларда ҳам шаҳар марказлари вужудга келган.

Археологик қазишмалар шуни кўрсатадики, VIII асрда Чоч мамлакатида араблар босқинида кўп вайронгарчилик юз беради. Араблар ҳужуми, мудофаа урушлари натижасида Мингўрик узоқ вақтгача вайронага айланади. Фақат IX асрдан Тошкентнинг эски шаҳри ёнида, Бўзсув бўйларида янги тикланиш жараёни бошланади. Янгидан барпо этилган шаҳарча 16 гектар майдонни эгаллайди. Археологлар эски шаҳарнинг Себзор, Бешёғоч, Кўкча даҳаларидан ўша даврга оид моддий буюмлар, маданий қатлам қолдиқларини топишган. Академик В. В. Бартольд биринчи бўлиб Чоч шаҳарлари ичида Тошкент ўрнини белгилаб, уни Бинкет деб атайди. Шошнинг пойтахти Бинкет IX—XII асрларда йирик маъмурий, савдо-ҳунармандчилик маркази бўлиб, у кўрғон, шаҳристон ва икки работдан иборат бўлган. XI асрдан уни Тошканд деб номлашган.

Археологик қазишмалари хулосалари ҳамда манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, VIII асрга қадар «Минг шаҳар мамлакати» — Чочнинг пойтахти Мингўрик бўлиб, у арабча манбаларда Шош, Шош мадинаси деб аталган. «Мадина» арабча термин бўлиб, унинг форсча эквиваленти — шаҳристондир. Бу сўзлар билан шаҳарнинг энг қадимий қисмини —ички шаҳарни ифодалашган. Шундай қилиб, археология, нумизматика маълумотлари ва ёзма манбалар таҳлили асосида археолог М. Филанович VIII аср бошида Тошкент Салор бўйидаги Мингўрик шаҳарчасида жойлашган, араблар истилосидан сўнг вайрон бўлгач, IX асрда Бўзсув атрофида қайта тикланган деган хулосага келади.

Ҳозирги Тошкент ўша вақтларда Шош мадинаси, Шош ва Бинкет каби уч ном билан аталган. Сирдарё воҳасининг аста-секин турклашиш жараёни мобайнида шаҳар номида туркча эквивалент устун келиб, Шош—Тошканд, сўнг эса Тошкент номи мустаҳкам ўрнашиб қолди.

VIII асрда араблар Ўрта Осиёни истило қилганда қаттиқ қаршилик кўрсатган ва узоқ вақтгача қўзғолонлар марказлари бўлган шаҳарлар қатори Шош ҳам тилга олинади.

IX аср охирида Шош пойтахти Бухоро бўлган сомонийлар давлатида ўзига хос мавқега эга эди. Араблар ҳукмронлигидан қутулиб, мамлакатнинг маҳаллий сулолалар қўлига ўтиши билан халқнинг аҳволи тузалмасдан, балки меҳнаткашларни эксплуатация қилиш зўрайди. Лекин чет эллик талончилар зулми барҳам топди. Эндиликда Ўрта Осиёдан олиб кетиладиган халқ бойликлари Боғдод, Сурия ва Мадинадаги араб зодагонларининг дабдабали саройларини безамасдан, мамлакатнинг ўзидаги шаҳарларда мулкдор табақанинг ҳашаматли саройларида қолбошлади. Илм, адабиёт ва санъат ривожи учун зарур моддий ҳамда сиёсий вазият вужудга келди. Мамлакатнинг мустақил ҳолда феодализм асосида илгари силжишига замин ҳозирланди.

X—XI асрда Ўрта Осиёда адабиёт, фан ва санъат соҳасида жаҳон маданияти хазинасига дурдона бўлган асарлар яратилди. Фирдавсийнинг машҳур «Шоҳномаси» шулар жумласидандир. Академик В. В. Бартольд ёзганидек, Фирдавсий бу асарини яратишда унинг учун тошкентлик — Чоч деҳқони тўплаган эпик материаллардан фойдаланган.

Буюк Рудакий ва Дақиқий шеъриятн Шарқ адабиёти ривожига таъсир кўрсатди. Ўша даврда Бухородаги кутубхона бойлиги жиҳатидан Широз кутубхонасини ҳам орқада қолдирган. Қалам аҳлларининг ўша вақтдаги аҳволини Рудакий шогирди Шоҳид Балҳий шундай тасвирлаган «Билимдонлик ва бойлик нархис ва атиргулки, улар ҳеч қачон биргаликда гулламайди. Ким билимдон бўлса — бойлиги бўлмайди, ким бой бўлса, унда билим кам бўлади». Сомонийлар даврида билимдон кишилардан айримлари ҳукумат хизматида дабирлик қилган. Дабир — тожикча шахсий котиб.

IX—XI асрларда фан соҳасида Абу Жаъфар бин Муса ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Ал-Хоразмий каби математиклар, ал-Форобий, Ибн Сино, Беруний каби тафаккур даҳолари самарали ижод қилишган.

Санъат соҳасида ҳам илғор силжишлар кўзга ташланган. Тошкентда, Самарқандда ва Зарафшон водийсида архитектура, тасвирий санъат ривожланган. Амалий санъатда Афросиёб керамикаси муҳим ўрин эгаллаган. Тошкент аҳолиси уй-рўзғорда нақшдор кулолчилик идишларидан кенг фойдаланган.

XI аср ўрталарида сомонийлар давлати ўрнида икки давлат юзага келди. Биринчиси Қорахонийлар, иккинчиси Ғазнавийлар эди. Бизнинг Тошкент — Шош Қорахонийлар ҳукми остида бўлиб, бу давлат Қашқардан Амударёгача ерларни, Шарқий Туркистоннинг бир қисмини, Еттисув, Фарғона, Шош ҳамда қадимий Сўғдиёнани ўз ичига олди. Пойтахти Ғазна бўлган иккинчи давлат эса Шимолий Ҳиндистон чегарасидан Каспий денгизи жанубигача ерларни — ҳозирги Афғонистон ва шимоли-шарқий Эронни ўз таркибига бирлаштирди. Бу икки давлат ўртасида ўзаро тўқнашувлар тез-тез бўлиб турарди.

Қорахонийлар давлатни вилоятларга бўлган. Тошкентни ўз таркибига олган Мовароуннаҳрнинг илк хони Али-Тегин билан Қашқардаги буюк хон —Томғач-хон ўртасида ихтилофлар чиқиб турарди. Умуман қорахонийлар мамлакатини идора қилувчи илик-хонлар тамғач хонга номигагина бўйсуниб, бир-бирлари билан ўзаро урушиб туришарди.

Ўрта Осиёда, шу жумладан Мовароуннаҳрда қадимдан яшайдиган туркий қабила, уруғ-аймоқлар мамлакатнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётида катта таъсирга эга бўлган. Турклар, айниқса сомонийлар даврида давлат ишларида, сарой хизматида, қўшинларда хизмат қиларди. Улар туркча сўзлашувчи қорлуқ, жикил, тургаш, оғуз ва бошқа турк қабилалари эди. Бу қабилалардан жикиллар Қашқар ва Еттисувда X асрнинг ўрталарида кучли феодал давлатини барпо этиб, сомонийларга таҳдид сола бошлайди. Бу давлат тепасидаги сулола Қорахон наслидан бўлгани учун улар «қорахонийлар» номи билан тарихга кирган. Тошкент —Шошда VIII асрдаёқ туркий қабилалардан оғузларнинг салмоғи катта эди. Фарғонада эса қорлуқлар кўпчиликни ташкил этган. X асрда яшаган араб географи Ибн Хаукалнинг маълумотига кўра, ислом динини қабул қилган турклар нинг мингдан зиёд оилалари Фароб ва Тошкент—Шош ўртасидаги районга, ҳозирги Чимкентнинг жануби-ғарбига кўчиб келган. Сирдарёнинг ўнг қирғоғидаги оғузларнинг Шош—Тошкентдаги таъсири шундай эдики, бу ҳол ўзбек фольклорида ҳам ўз аксини топган. Унда оғузлар ҳозирги ўзбек халқининг аждодлари сифатида тилга олинади. X аср охирида оғузларнинг бир қисми туркманлар деб атала бошлаган. Бу туркманлар Зарафшон водийсига кўчиб салжуқийлар сифатида тарихга кирган.

Тошкент—Шош области атрофлари аҳолисининг турклашишида оғузлардан ташқари тургашлар ҳам катта роль ўйнаган. Туб аҳоли сўғдлар билан турк қабилаларининг ўзаро яқинлашуви натижасида аста-секин сўғд тиллари — урф-одатларида ҳам ўзгаришлар содир бўлди. Ўз навбатида турклар ҳам кўчманчиликдан ўтроқ деҳқончиликка ўтиб, сўғдлар билан аралашиб кетди. Ўзаро маданий алоқалар кучайди.

Қорахонийлардан бўлган турк тилшунос олими Маҳмуд Қошғарий XI асрда араб тилида яратган «Девони луғатит турк» асарида турк тилининг сўғд тилидан ғалаба қилганини уқтириб ўтади: Унинг фикрича, унинг даврида «туркча ҳамда сўғдча гапирадиган одамлардан ташқари фақат туркча сўзлашувчи кишилар бўлган. Лекин фақат сўғдча гапирадиган кишилар бўлмаган». Шу тариқа XI аср охирида сўғд тили ўрнини турк тили эгаллаб, сўғдлар мустақиллик этник бирлик сифатида ўз аҳамиятларини йўқота боришган. Улар турклар билан қўшилиб кетишган. Маҳмуд Қошғарий ана шу тарихий жараённинг жонли гувоҳи бўлиб, у ўзининг машҳур «Девони луғатит турк» асарида турк тилининг сўғд тили устидан аста-секин эришган ғалабаси жараёнини тадқиқотчисига хос зийраклик билан пайқай олган.

Ҳ. СОДИҚОВ,
тарих фанлари кандидати.

32. ОЛИЙ ҲИММАТ БИЛАН

● Маиший хизмат ходимлари пахтакорлар ҳузурида
● Дала шийпонларидаги ҳамма телевизор ва радиолар намунали ишлаяпти.
● Кўчма дўкон дала кезади:

Анкета саволлари:

1. Бахт деганда нимани тушунасиз?

2. «Меҳнат семестри»га муносабатингиз қандай?

Бугун анкетамиз саволларига Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг IV курс студенти Қадам ЖУМАНИЁЗОВ жавоб беради:

1. Умри сермазмун ўтган, халққа, жамиятга нафи тегиб яшаган кишилар бахтлидир.

2. Меҳнат қилиб унинг натижаларидан завқланиш ҳисси табиатнинг инсонга ато этган энг ажойиб инъомларидандир. Мен ҳар қандай меҳнатни — жисмоний меҳнатни ҳам, ақлий меҳнатни ҳам яхши кўраман. Фақат у меъёрида бўлгани маъқул.

Республикамиз дағи юбилей йилидаги 6 миллион тонналик «оқ олтин» хирмони учун курашнинг олдинги марралари ҳозир пахтазорлардан ўтаяпти. Бу ердаги курашнинг муваффақияти эса жуда кўп нарсаларга боғлиқ. Оддий теримчи ёки механизатор далада унумли меҳнат қилиши учун унга яхши меҳнат шароитлари яратилган бўлиши керак.

Республикамиз дағи йиллар ўтиши билан пахта йиғим-терими ни ташкил этиш тобора такомиллашиб бораяпти. Бунда ҳар бир район ёки хўжаликнигина эмас, балки далада меҳнат қиладиган ҳар бир инсоннинг истак ва эҳтиёжлари ҳисобга олинаяпти. Афтидан, республикамизда об-ҳаво қийинчиликларига қарамай йиғим-терим мавсуми йилдан-йилга қисқариб, осонлашиб бораётганлигини сири ҳам бир жиҳатдан мана шунда бўлса керак.

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Андижон» совхозига бораётганимизда дала йўлида «26—39 ТНА» номерли юк машинасининг ҳайдовчиси Файзулла Аҳрорхўжаев билан суҳбатлашдик. Файзулла ака машина Тошкент шаҳар маиший хизмат кўрсатиш бошқармасига қарашли эканлигини, унда сартарошлар, радиотехниклар, электриклар ва слесарларни олиб юрганлигини, улар пахтазорларда меҳнат қилаётган кишиларга хизмат кўрсатаётганликла р ини гапириб берди.

Кейин бизга маълум бўлишича, шаҳар маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси коллективи пахта йиғим-терими мавсумида икки кўрик область меҳнаткашларига хизмат кўрсатишни олдиндан режалаштириб, тадбирлар белгилаган экан. Шунга биноан 10 октябрда ҳар бирида 5 тадан ходим бўлган саккизта автолавка Жиззах ва Сирдарё областларига жўнаб кетди. Жиззах областида, ишлаётган группага бошқарма бош инженери С. М. Заражаев, Сирдарё областидаги группага «Сервис» фирмаси катта диспетчери Шуҳрат Муҳаммаджонов бошчилик қилаётган экан. Бу группалар Тошкентдан борган ҳашарчиларга раҳбарлик қилаётган штаблар билан мустаҳкам алоқада ишлаб, пахтазорларда меҳнат қилаётган кишиларнинг унумли ишлашлари ва дам олишлари учун қулай шароитлар яратишаяпти.

— Ҳозир пахтазорларда меҳнат қилаётган кишиларнинг ҳар дақиқаси олтиндек қимматли,— деди биз билан суҳбатда Шуҳрат Муҳаммаджонов. —Шунинг учун ҳам ўларнинг унумли ишлашлари, ёғин-сочинсиз кунларнинг ҳар бир соатидан самарали фойдаланишлари учун барча қулайликларни яратиш лозим. Ҳозир икки область пахтазорларини кезиб юрган группаларимизнинг ҳар бирида сартарошлар, этикдўзлар, электриклар, слесарлар бор. Улар олдиндан белгиланган программа бўйича хўжаликларни айланиб юришибди. Автолавкада далада ишлаётганлар учун кийим-кечаклар савдоси ҳам ташкил этганмиз.

— Хўжалигимизнинг ташкил этилганига эндигина икки йил бўлди. Ҳали бизда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш яхши йўлга қўйилган эмас,— деди биз билан суҳбатда Оқолтин районидаги Абдалин номли совхоз директори Ҳамза Исоқов. — Шундай шароитда Тошкентдан маиший хизмат ходимлари ёрдамга келгани биз учун ҳам, шаҳарлик ҳашарчилар учун ҳам айни муддао бўлди. Совхозимизда ўнлаб кишилар хизматларидан баҳраманд бўлишди.

Шу пайтгача бошқарма ходимлари Жиззах областидаги Мирзачўл, Пахтакор, Зарбдор, Арнасой районлари, Сирдарё областидаги Ильич, Оқолтин, Боёвут районларидаги хўжаликларни айланиб чиқишди. Дала шийпонларида юзлаб ҳашарчиларга хизмат кўрсатишди. 522 та телевизорни ремонтдан чиқаришди, Зарбдор районида эски ҳаммомни ремонтлаб, ишга туширишди.

Пахтакорлар ва ҳашарчиларга Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети савдо Бош бошқармаси ходимлари ҳам намунали хизмат кўрсатишаяпти. Бошқарма Сирдарё областида тўртта районда, Жиззах областида олтита районда вақтинчалик омборларга эга. Бу омборлардан ҳашарчиларга керакли бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари узлуксиз етказиб берилади. Ҳар бир ҳашарчига кунига 150 граммдан гўшт, 30 граммдан сариёғ, тўрт кунда бир банка қуюлтирилган сут берилмоқда. Нон ва шакарни эса истаганча истеъмол қилиш мумкин.

Пахтакорларга саноат моллари билан савдо хизмати кўрсатиш ҳам йўлга қўйилган. Ҳар бир районга маълум бир савдо ташкилоти бириктириб қўйилган. Ҳар куни икки область далаларини 30—40 та кўчма дўкон кезиб юрибди. Бу дўконлардан этик ва пуфайкадан тортиб, сочиқ ва тиш чўткасигача сотиб олиш мумкин.

Мавсум бошидан бери сирғалувчи график асосида пахтазорларда 210 та кўчма дўкон бўлиб, 610 минг сўмлик савдо қилди. Пахтакорларга беминнат хизмат кўрсатишда айниқса Тошкентдаги Бош универсал магазини, «Тошкент» савдо фирмаси, «Шуҳрат» мактаб-магазини коллективлари яхши намуна кўрсатаяпти.

(Давоми бор).





Ҳозир Сирдарё ва Жиззах областларида Тошкентдан борган минглаб ҳашарчилар меҳнат қилишяпти.

СУРАТДА: ТошМИ врачи А. Алижонов Пахтакор район Кичанов номли совхозда меҳнат қилаётган студент-ёшларга бериладиган нонушта сифатини кўздан кечиряпти.

* * *

Жиззах областидаги «Шодлик» ансамбли коллективи шу кунларда тез-тез пахтакорлар ҳузурида бўлиб, уларга ажойиб концертлар кўрсатаяпти.

М. Нуриддинов фотолари.

САНЪАТНИНГ СЕҲРЛИ ОЛАМИ

ЎЗБЕКИСТОНЛИК АРТИСТЛАРГА РАҲМАТ

ЛЕНИНГРАД Кардош республиканинг санъат усталари ленинградликларни Ўзбекистон бўйлаб мусиқали саёҳатга таклиф этдилар. Тошкентлик артистларнинг Нева соҳилларида бошланган ижобий ҳисоботлари ССР Иттифоқининг 60 йиллигига бағишланган.

Ўзбекистон ССР халқ артисти Зоҳид Ҳақназаров бошқарган республикада хизмат кўрсатган симфоник оркестр коллективининг Ленинграддаги концертлари муваффақиятли ўтди. Меҳмонлар Д. Д. Шостакович номли филармониянинг катта залида классик ва миллий мусиқа асарларидан тузилган концерт программасини намойиш қилдилар.

— Оркестр ўзбек композиторлари ижодининг толмас тарғиботчиси сифатида илгаридан маълум. Бизлар меҳмонларимиз концертида Мирсолиқ Тожиевнинг бешинчи симфониясини зўр қизиқиш билан тингладик, деди филармониянинг бадиий раҳбари, музикашунос Виталий Фомин. — Ёш пианиночи Алёша Султонов ёрқин таассурот қолдирди. У Шопеннинг фортепиано учун ёзилган иккинчи концертини оркестр жўрлигида ижро этди.

Ленинграддаги ёшлар саройи ўзбекистонлик ёш санъаткорлар билан учрашувлар туркумини бошлади. «Ялла» вокал чолғу ансамблининг концерти зўр муваффақият билан ўтди. Айниқса «Учқудуқ» қўшиғи тингловчиларга манзур бўлди. Бу ерда «грамофон» дискоклуби ўз программасини намойиш қилади. «Шодлик» миллий ансамбли концертлар беради. Ёшлар саройида очилган ўзбек рассомлари ва фотоусталари асарлари виставкаси ёшларнинг ижодий изланишлари тўғрисида ҳикоя қилади.

Тошкент театр ёшлари экспериментал студияси ўқув театри сахнасида ўз кўрсатувларини бошлади. Ленинградлик ёш драматург Семён Злотниковнинг «Фонтан ёнидаги воқеалар» спектакли коллектив репертуарига киритилган.



СУРАТДА: Халқлар дўстлиги майдонида қад кўтарган янги турар-жой бинолари.

«ТЕНГЛАР ОРАСИДА ТЕНГ»

«Ўзбекистон» нашриёти босмадан чиқарган мақолалар тўплами ана шундай номланган. Тўплам Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда содир бўлган жуда катта социал-иқтисодий ўзгаришлар тўғрисида ҳикоя қилади.

Таниқли олимлар — тарихчилар, социологлар, иқтисодчиларнинг мақолаларида қардош халқларнинг аҳил оиласида республикадаги социал ўзгаришлар, экономика ва маданиятнинг ривожланиши ҳақида ҳикоя қилинади. Тўплам Совет Иттифоқи Коммунистик партияси раҳбарлигида ва мамлакат барча халқларининг қардошларча ёрдамида республикада халқ хўжалиги, маданиятни анча юксалтириш, меҳнаткашлар оммаси фаровонлигини ошириш ва коммунистик жамият моддий-техника базасини вужудга келтириш учун мустаҳкам замин яратилганлигини кўрсатиб беради.

Тўплам Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган.

(ЎзТАГ).

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

СССР БИЛАН ДЎСТЛИК ОЙЛИГИ

КАТМАНДУ. Непалда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 65 йиллигига бағишланган Непал-Совет дўстлиги ойлиги бошланди. Тантанали йиғилишлар, симпозиумлар, семинарлар, суҳбатлар ана шу шонли санага бағишланади. Бу тадбирларни Непал-Совет дўстлиги уюшмаси, Непал-Совет маданияти уюшмаси, СССР дўстлари клуби ташкил этмоқда.

Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган «Бахор» халқ рақс давлат ансамбли ойлик муносабати билан концертлар қўйиб беради.

Совет маданияти уйида Улуғ Октябрь 65 йиллиги ва СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган фото кўргазма ташкил этилди.

Экспозиция Малидаги «Либери попюлер» давлат китоб савдоси

АРХЕОЛОГИК КАШФИЁТЛАР

ПАРИЖ. Франция археологлари Сомма департаментидаги Рибмон шаҳри районида Галл-Роман даврига оид гўр топдилар. Бу гўрнинг галатилиги шундаки, ундан камида юз кишига мансуб икки мингтадан кўп суяк чиққан. Лекин бирорта ҳам калла суяги топилмаган.

Мутахассисларни н г кўпчилиги топилган бу жой Галл элатининг расм-русуми бажо келтирилган жой деган фикрни айтмоқдалар. Бу ерда асирга олинган душманлар қалласи олиниб қурбон қилинган.

РИМ. Италия археологлари Турин атрофларидаги чоғроқ бир кўлнинг тубидан бундан 3 минг йил аввал бўлган қадимги шаҳарнинг қолдиқларини топдилар. Сув тагидан юзлаб сопол ашёлар ва бронзадан ясалган буюмлар чиқариб олинди.

* * *

ҚОҲИРА. Миср археологлари машҳур Қиза эҳромлари районида қадимги Миср фиравнларининг улуғвор даҳмаларидан уч километр нарида қадимги Мисрнинг донишмандлик ҳудоси Тотанинг яхши сақланиб қолган ибодатхонасини топдилар.

Ёши уч минг йилдан ошадиган бу ибодатхона Мисрда бундан аввал топилган кўпгина тарихий топилдиқлар сингари тасодифан очилди. Шу ердаги фуқаролардан бири, деб ёзади «Ал-ахбор» газетаси, уй қурмоқчи бўлиб пойдевор учун ҳандақ қазий бошлаган. Шунда қадимги Миср иероглифлари ўйиб ёзилган тош плиталарга дуч келгач, ўйлай-нетмай уларни синдирган ва бўлакларини иморат қурилаётган жойдан нарироққа олиб бориб ташлаган. Бундан хабар топган археологлар шу жойга етиб келиб қазишма бошлаб юборадилар. Шунда қум қатлами остидан ибодатхона чиқади. Унинг баъзи заллари, устунлари ва деворлари шунча вақтдан бери шикаст топмабди.

«Ал-ахбор»нинг ёзишича, ибодатхонанинг очилиши Гиза районида кейинги эллик йил ичидаги энг катта тарихий кашфиёт бўлган. Бу нарса эҳромлар теварагидаги ҳар жиҳатдан текшириб чиқилган бўлиб, топилган жой олимларни ҳали неча бор қувонтира олишини ҳам исботлайди.

* * *

ТОКИО. Японияниг Фукуи префектурасидаги қазишмалар чоғида узунлиги 1 метрдан ошадиган яхши сақланиб қолган тимсоҳ скелети топилди. Мутахассислар н и н г фикрича, унинг ёши 100 миллион йилга боради.

ҚАРДОШ МАМЛАКАТ БУЮРТМАСИ

СОФИЯ. Михайловград тикувчилик фабрикаси коллективи СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақага қўшилиб қардош мамлакатнинг буюртмасини муддатидан илгари ва юксак сифатли қилиб бажариш мажбуриятини олди.

Михайловград корхоналари маркази Совет истеъмолчиларига алақачонлардан бери манзур бўлган — фабрика ўн йилдан кўпроқ вақтдан бери ўз маҳсулотини СССРга юбориб турибди. Корхонада кўркамлиги, ранг-баранг гуллари ва юксак сифати билан ажралиб турган 30 дан кўп турдаги кийимлар тайёрланади.

Михайловград тикувчилари буюмларнинг сифатн тўғрисида қайғуриб, шу билан бирга ишлаб чиқаришнинг рентабеллигини, материалларни тежаб ишлатишни ҳам унутмаяптилар. Масалан, газламаларни бичишнинг бу ерда жорий этилган янги усули шу йилнинг ўзидагина материал сарфини камайтирди, яқинда ташкил этилган кенг истеъмол моллари цехи асосий ишлаб чиқаришнинг чиқиндиларидан оқилона фойдаланиш имконини берди.

МАЛИДА СССР КУНЛАРИ

БАМАКО. Мали республикасининг энг йирик иқтисодий марказларидан бири — Сегу шаҳрида Ғарбий Африкадаги мана шу мамлакатда ўтаётган СССР кунлари доирасида Совет китоблари виставкаси очилди. Виставка Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 65 йиллиги ва СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган.

Экспозиция Малидаги «Либери попюлер» давлат китоб савдоси бирлашмаси кўмагида тайёрланган.

В. И. Ленин асарлари, КПСС XXVI съездининг материаллари КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг китоблари, совет сиёсий, бадиий ва техникавий адабиётлари томошабинларга гоят манзур бўлмоқда.

«СССРдаги кўпгина иттифоқдош республикаларнинг адабиёти менда ва дўстларимда зўр қизиқиш уйғотмоқда», дейди давлат хизматчиси Мамаду Коне. «Қирғизистон халқ ёзувчиси Ч. Айтматовнинг асарлари, унинг қирғиз миллий фольклори ва анъаналари билан узвий боғланган ёзиш услуби менга жуда ёқади ва бу услуб малилик китобхонларга тушунарлидир».

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

ҲОДИСА

БЕПАРВОЛИК ОҚИБАТИ

Аброр Ҳидоятов кўчасидаги 46-уйдан 4 октябрь куни олинган нохуш хабар ўт ўчириш бўлинмасини оёққа турғазди. Ўт ўчирувчилар воқеа содир бўлган жойга етиб келишганида Д. Пўлатованинг уй-жойи аланга ичида қолган эди. Печка мўриларининг пала-партиш қурилганлиги натижасида ёнғин келиб чиққан.

Иситиш мавсуми бошланиши билан печларни ёқишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига эътибор бермаслик оқибатида бундай кўнгилсиз ҳодисалар содир бўлмоқда. Уларнинг кўпчилиги айниқса, ҳусусий уй-жойларда юз беряпти. Уй-жой эгаларининг ёнғинга қарши тадбирларни амалга оширишда ўта эътиборсизлик, бепарвлик қилишлари оқибатида шундай воқеалар келиб чиқаяпти. Новий путь кўчасидаги 46-уйда кўтарилган ёнғин ҳам фикримизнинг далилидир.

Айрим уй эгалари электр асбобларини ишлатишда ҳам эътиборсизликка йўл қўймоқдалар. Натижада электр асбобларининг бузуқлиги ёки қаттиқ қизиб кетиши натижасида ҳам ёнғин чиқиш ҳоллари учраб турибди. Мана, бир неча мисол келтирайлик. Киров районидаги Машинасозлар кўчаси, 21-уйда истиқомат қилувчи Н. Абдуллаев қўлда ясаган электр иситиш асбобини назоратсиз қолдириб кетиши оқибатида ёнғин чиққан. Уйнинг анчагина қисми шикастланган ва уй жиҳозлари вайрон бўлган. Б. Хмельницкий кўчасидаги 1-уйнинг 30-квартирасида яшовчи Н. Осипова электр грелкасини ўчириб қўйишни унутган. Қуйбишев шоссесидаги 544-уйда, Х. Каримов газ плитасини назоратсиз қолдирган. Сағбон кўчаси, 13-проезд, 2-тупикдаги 4-уйда Т. Ашуров иситиш асбобларидан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузганлиги оқибатида ёнғин чиқиш ҳоллари юз берган.

Ҳар бир уй эгаси ёнғиндан кейинги манзарани кўз олдига келтириб, яхшигина тасаввур қилганида эди, бундай кўнгилсиз ҳодисаларнинг сони ўз-ўзидан камайган бўлур эди.

Ҳурматли ўртоқлар! Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармасининг ёнғин муҳофазаси бошқармаси қуйидаги оддий ёнғин хавфсизлиги қоидаларини яна бир бор эслатиб ўтади:

Иситиш ва электр иситиш асбобларини ишлатишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига жиддий риоя этинг, иситиш печларини тозаламасдан ва профилактика қилмасдан фойдаланманг! Болаларнинг печка атрофида ўйнашларига ёки уларни ёқишига йўл қўймаинг, ёниб турган печка ва электр иситиш асбобларини назоратсиз қолдирманг!

Унутманг: ёнғин хавфсизлиги қоидаларига жиддий ва қатъий амал қилиш ёнғин чиқишининг олдини олишда муҳим омилдир.

Э. ОРИПОВ,
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси ёнғиндан муҳофаза қилиш бошқармаси давлат ёнғин назорати бўлимининг инспектори.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 Тошкент бет ОҚШОМИ

5 НОЯБРЬ, 1982 й

театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 6/XI да **Бой ила хизматчи** (12.00), **Қиёмат қарз** (19.30). 7/XIда **Келинлар кўзголони** (13.00), **Алмандар** (19.30).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА—6/XI да **Лайли ва Мажнун**, 7/XIда **Музикали комедиялардан парчалар**, (16.00, 19.30).

цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА **Москва «Комедия цирки» артистларининг гастролларн** 6/XIда (13.00, 16.00 ва 19.30да).

кино

5 НОЯБРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ШАМОЛНИ КИМ ЭКАДИ?» — **Ғ. Ғулом номли.**

«БУ ҲАҚДА БИЛИШИНГИЗ ШАРТ» — **Москва.**

«ОЛОВНИ БЎЙСУНДИРУВЧИЛАР» — **Дружба.**

«ИИЛ БОШИДА» — **Фестиваль.**

«ПРЕМЬЕРА БЕКОР ҚИЛИНДИ» — **Чайка.**

«ТУГАЛЛАНМАГАН СУҲБАТ» — **Мир.**

«МАНА ШУНДАЙ ҲОВЛИ ТЎЙИ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли.**

«ОНАМ НИМА ДЕРКИН? — **Лисунов номли.**

«РЕВОЛЮЦИЯ ТЎҒРИСИДА ҲОТИРА» — **Восток.**

«ИИЛЛАР ОША» — **С. Раҳимов номли.**

«ҲАҚИҚАТ ИЎЛЛАРИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

«ЕНҒИН ВА БЕПАРВОЛИК» — **Қозоғистон.**

«ГУГУРТ» — **К. Ерматов номли.**

«УЛУҒ ОКТЯБРЬ» — **Искра.**

«ЎТ БИЛАН ЎЙНАШМА»— **Нукус.**

«ХАТО ҚИЛДИНГМИ — ЖАВОБ БЕР» — **Янгиобод.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ОТАЛАР ВА БОБОЛАР» —**Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), **Қозоғистон** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 35-24-92), **Дружба** (15, 17, 19, 20, 21.00, телефон 66-15-75).

«СПОРТЛОТО» — 82» — **Дружба** (16, 18.00), **Ҳамза номли** (жуфт соатларда).

«ҚАЛБ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52), **Искра** (16, 18, 20.00, телефон 39-14-59), **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 53-86-07).

«КИНГ-КОНГ ГРИППИ» — **Узбекистон ССР 25 йиллиги номли** (11, 13.30, 16, 18.30, телефон 53-65-87).

«ЯРОСЛАВ МУДРИЙ» — **Лисунов номли** (11, 14, 17, 20.00, телефон 96-63-60).

«САВОЯ»НИНГ ҒЎҒРЛАНИШИ» — **С. Раҳимов номли** (18, 19.30, телефон 48-46-71).

«АЛИБОБО ВА ҚИРҚ ҚАРОҚЧИНИНГ САРГУЗАШТЛАРИ» —**Ғ. Ғулом номли** (17, 20.00 телефон 48-42-80).

6 НОЯБРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ОТАЛАР ВА БОБОЛАР» —**Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), **Қозоғистон** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 35-24-92), **Дружба** (11, 13, 14, 15, 17, 19, 20, 21.00, телефон 66-15-75).

«СПОРТЛОТО — 82» — **Дружба** (12, 16, 18.00), **Ҳамза номли** (жуфт соатларда).

«ҚАЛБ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52), **Искра** (16, 18, 20.00, телефон 39-14-59), **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 53-86-07).

«КИНГ-КОНГ ГРИППИ» — **Узбекистон ССР 25 йиллиги номли** (11, 13.30, 16, 18.30, телефон 53-65-87).

«ЯРОСЛАВ МУДРИЙ» — **Лисунов номли** (11, 14, 17, 20.00, телефон 96-63-60).

«САВОЯ»НИНГ ҒЎҒРЛАНИШИ» — **С. Раҳимов номли** (18, 19.30, телефон 48-46-71).

«АЛИБОБО ВА ҚИРҚ ҚАРОҚЧИНИНГ САРГУЗАШТЛАРИ» — **Ғ. Ғулом номли** (11, 14, 17, 20.00 телефон 48-42-80).

БУТУНИТТИФОҚ ЮК КЎТАРИШ-ТРАНСПОРТ МАШИНАСОЗЛИГИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ВА ЛОЙИҲА-КОНСТРУКТОРЛИК ИНСТИТУТИ вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кранларни комплектлаш бўлимига: катта ва кичик илмий ходимлар.

Конкурсда фан кандидати илмий даражасига эга бўлган, шунингдек бой ишлаб чиқариш тажрибаси бўлган, илмий ишларда истеъдодини кўрсатган олий маълумотли юқори малакали мутахассислар қатнашишлари мумкин.

Конкурс муддати 29 ноябргача.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: Тошкент шаҳрида — 90-53-63, 90-53-59; Москва шаҳрида — 223-30-52.

Тошкент Политехника институти томонидан **Тўйчиева Махпират** номига берилган 297362 номерли йўқолган

ДИПЛОМ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов районидаги 219-ўрта мактаб томонидан **Ҳақназаров Шуҳрат Болтаевич** номига берилган 979879 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги

6, 7 НОЯБРЬ СОАТ 19.00 ДА

КАТТА БАЙРАМ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

М. Қориёқубов номидаги ўзбек давлат филармониясининг

«ГЎЗАЛ» АНСАМБЛИ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Қорақалпоғистон АССР халқ артисти Гулшод ОТАБОЕВА.

Тошкент область Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Олимжон ОРИФЖОНОВ.

Бадиий сўз устаси — Ҳасан ИЎЛДОШЕВ.

СОЛИСТЛАР: Дадахон ҲАСАНОВ, Гулчеҳра ИСМОИЛОВА, Бахтиёр ТЎЛАГАНОВ, Гулнора ОДИЛОВА, Доно ШОАҲМЕДОВА, Тоштемир ТОҲИРОВ.

Сатира, юмор ва интермедия ижрочиси Абдуфаттоҳ САИДОВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Программани Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ғулом ТОЖИАҲЛОЕВ олиб боради.

«Гўзал» ансамблининг бадиий раҳбари—Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Олмахон ҲАЙИТОВА.

Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 14.00 дан сотилади.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлиги базасидаги

161-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ҲУҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА

Конфетчилар, кондитерлар, новвойлар, холодильникни созловчи механиклар, нон ва пиво заводлари учун созловчи слесарлар, автоматика ва контроль-ўлчов асбоблари бўйича слесарлар.

Ўқиш муддати — 10 йиллик маълумотлилар учун — 1 йил (диплом берилади), 8 йиллик маълумотлилар учун — 2 йил.

Билим юртига қабул қилинган 8 синф ҳажмида маълумоти бўлганларга уч маҳал бепул овқат, кийим-бош ва иш кийими берилади.

Ўрта маълумоти бўлганларга 30 сўм стипендия берилади. Меҳнат практикаси вақтида ишлаган иш ҳақининг 33 процента берилади. Билим юртини имтиёзли битирганлар ўрта махсус ва олий ўқув юртларига юбориладилар.

Узоқдан келганларга замонавий ётоқхона берилади.

Билим юрти қошида миллий ансамбль, ҳаваскорлик тўгараклари, спорт секциялари ва кечки мактаб бор.

Билим юртини битирганларга танлаган мутахассисликлари бўйича 4-разряд берилади, ҳамда улар республикамизнинг озиқ-овқат корхоналарида ишлайдилар. Ўқиш даври меҳнат стажига киради.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: билим юрти директори номига ариза, паспорт ёки туғилганлиги ҳақидаги ҳужжат, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, характеристика, турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмида 6 дона фотосурат, соғлиғи тўғрисидаги медицина справкаси (286-форма).

Ўқиш группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Билим юртининг адреси: Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Гёте кўчаси, 52-уй.

СИЗНИНГ БАЙРАМ ЛИБОСИНГИЗ



Байрам кунлари либослар ҳам байрамона бўлиши керак. Лекин бунинг учун янги кўйлак ёки костюм тиктириш шарт эмас. Мода ҳар бир аёл кишига кийим-кечакларнинг алоҳида буюмларидан костюм комплектлашнинг талай имкониятларини тақдим қилади. Бир-бирига ҳамоҳанг бўлган таркибий қисмлардан тузилган либослар янгича талқинда намоён бўлади. Бунинг учун Сиз ранг ва услуб бўйича блузка ёки юбкани жакет ёки жилетни мослаб хиллашингиз керак.

Либосларга монанд ярашиб турадиган зебу-зийнат буюмларини ҳам билиб танлашда гап кўп. Буни қандай танлаш лозим? Биринчи навбатда нималарга эътибор бермоқ керак. Аввало безалиш аёл кишининг қадди-бастига монанд бўлмоғи лозим. Нозик ҳарир матолар енгил, нафис безакларни, қалин шойилар, жун матолар янада вазмин ва сипо безакларни тақозо этади. Безаклар аёл кишининг бўйи ва қоматига ҳам мос тушмоғи муҳимдир. Бўйи баланд бўлмаган аёл кишиларга йирик безаклар ва аксинча, баланд бўйли ва тўладан келган аёлларга кичик ҳажмли безаклар унчалик ярашмайди. Яхшигина дидли аёл киши кумуш билакузук, олтин балдоқ ва гардишига сунъий катта тош ўрнатилган узукни бир йўла тақмайди.

ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР, СИЗЛАРНИ БОШ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИНГ ЗАЛЛАРИГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ!

ҲАР БИР АЁЛ КИШИ ТРИКОТАЖ БЎЛИМИДАН ЎЗИГА МУНОСИБ, ЯРАШАДИГАН КИЙИМЛАРНИ ТАНЛАБ СОТИБ ОЛИШИ МУМКИН.

Трикотиндан қат-қат букламали қилиб тикилган юбкалар жуда ҳам чиройли, нафис, енгил. Бу кийим ёш аёлларга жуда ҳам ярашиб туради. Юбкаларнинг размерлари 44 дан 48 гача. Умир ёшдаги қиз болалар ва қизларга катак-катакли матодан ёни чиқариб тикилган юбкаларни тавсия қиламиз. Размерлари 44— 46 —48.

Тантанали оқшомлар учун қора трикотиндан узун қилиб тикилган (48 размерли Польшада ишлаб чиқарилган) юбкаларни ёки рангдор трикотиндан яхлит бичимда тикилган (Болгарияда тайёрланган, размерлари 48—50) кўйлакларни тавсия қиламиз. Спорт услубини ёқтирадиган аёл кишиларга (жилетли юбка, размери 44) костюмлар манзур бўлади.

ЗЕБУ-ЗИЙНАТЛАРЧИ? Бугун биз сизларни хотин-қизларнинг диққатини чех маржонларига тортмоқдамиз. Чех зебу-зийнатларининг ўзига хос фазилатлари гўзаллик ва нафислик шаклларининг жозибалилиги ва такрорланмаслигидир. Чехословакия усталари зебу-зийнат буюмларини ижод қилишаётганда ана шу хусусиятларга алоҳида эътибор беришади: металли мунчоқлар шодаси, «марваридсимон» маржонлар, нозикли маржонлар. Ярим қимматбаҳоли тошлар —агат, сердолика, қирмизи рангли кварц (Ҳиндистонда ишлаб чиқарилган) исталган ёшдаги аёл кишига манзур бўлади.

ПАРФЮМЕРИЯ—КОСМЕТИКА моллари бўлимига кириб ўтишни ҳам унутманг. Бу ерда савдога қўйилган 20 турдан зиёд (мамлакатимизда ва чет элларда ғайёрланган лаб бўёқлари, «Нюанс», «Тошкент» упалари, «Милой женщине», «Знакомий образ» атирлари, «Желаю счастья», «Голубие купола», «Оқ олтин», «Сўғдиёна», «Шарм», «Комплимент», «Стремление», «Малахитовая шкатулка» совғабоп қутичаларга жойланган атирлар ҳам ўз эгаларини мунтазирлик билан кутмоқда.

Агарда байрам кунлари бошқа республикалардан сизнинг хонадонингизга меҳмонлар ёки қариндош уруғларингиз ташриф буюрмоқчи бўлишса, ёки сиз уларнинг ҳузурига борадиган бўлсангиз, бундай пайтда зар, ипак билан тикилган миллий дўппиларни совға қилишингизни маслаҳат берамиз.


ЧАРМ-ГАЛАНТЕРЕЯ МОЛЛАРИ СЕКЦИЯСИДА СИЗ МАМЛАКАТИМИЗДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ВА ЧЕТ ЭЛЛАРДАН КЕЛТИРИЛГАН СУМКАЛАРНИ СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

Улар орасида табиий, шунингдек, сунъий чармлардан тикилган сумкалар ҳам бор. Сумкаларнинг моделлари ранг-баранг бўлиб, улар катта ва кичик, банди калта ва узун қилиб ишланган. Тўқиш билан шуғулланадиган хотин-қизларга калаваларни совға қилишингиз мумкин. «Қурабо» калавасидан (ангор жуни 50 процент, жун 45 процент, нейлон 5 процент) иссиқ свитер, шарф, модали қалпоқча тикиш мумкин.

БОШ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИГА БАЙРАМ ХАРИДИ УЧУН ХУШ КЕЛИБСИЗ!

БОШ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИ.

АНИҚ ЮРАР СОАТЛАР



БИЗНИНГ ВОҚЕАЛАР ВА АХБОРОТЛАРГА БОЙ БЎЛГАН АСРИМИЗДА ЯХШИ СОАТЛАР КЕРАК.

АГАР «СЛАВА» СОАТИНГИЗ БЎЛСА, СИЗ ВАҚТНИНГ МИНУТ, СЕКУНДЛАРИНИ АНИҚ БИЛАСИЗ. БУНДАН ТАШҚАРИ ҲАФТАНИНГ КУНЛАРИ ВА ОЙНИНГ ЧИСЛОСИНИ ҲАМ БИЛАСИЗ.

Бу соат зарбга қарши мослама билан жиҳозланган, чанг ва намдан қўрқмайди. Соат корпусига тилла суви ва хром югуртирилган.

Баҳоси — 47 сўмдан 85 сўмгача.

Агар катта ёшдаги кишилар анъанавий миль ўрнатилган «Слава» соатини ёқтирсалар, ёшлар ўртасида айниқса электрон соати оммалашган.

«ЭЛЕКТРОНИКА 5-Б6-203» — НИҲОЯТДА АНИҚ ЮРАДИ ВА ЧИДАМЛИ!

«ЭЛЕКТРОНИКА 5-Б6-203»нинг рақамлар кўрсатувчи таблосида соат ва минутнинг индикацияси муттасил ишлаб туради, ой ва числони кўрсатади. Еритиш ойнаси орқали исталган пайтда вақтни билиш мумкин.

Электрон соатларнинг баҳоси— 40 сўмдан 45 сўмгача.

Олтин корпусли соат-механизми пухта бўлибгина қолмай, шу билан бирга чиройли заргарлик буюми ҳамдир!

Олтин соатни тўйда, юбилейда, туғилган кунда совға қилган яхши.

Қиз-жувонлар билагига Еревандаги соат заводида ишланган «НАИРИ» соатлари ярашади. Бу соатлар аниқ юради ва пухта, юксак бадиий даражада ишланган.

ЭРКАКЛАР ДИҚҚАТИНИ СЎЗСИЗ ОЛТИН КОРПУСЛИ «ПОЛЕТ» СОАТИ ЎЗИГА ТОРТАДИ. **Баҳоси — 775 сўм.**

«ЛУЧ». **Баҳоси — 385 сўмдан 600 сўмгача.**

«ЧАЙКА». **Баҳоси— 190 сўмдан 345 сўмгача.**

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН 7-«СОАТЛАР» МАГАЗИНИДАН

СИЗ ТУРЛИ МАРКАДАГИ СОАТЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

Магазин адреси: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 14-уй, (28, 44, 64-автобуслар; 1, 4, 8, 18-троллейбуслар; 7, 8, 11, 16-трамвайларнинг «Санъат саройи» бекати).

«ТАШКУЛЬТТОРГ».

1982 ЙИЛ 30 ДЕКАБРГАЧА ТОШКЕНТДА

«СССРНІНГ 60 ЙИЛЛИГИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК!» **шиори остида**

СТРАХОВАНИЕ ИШЛАРИ КЎРИГИ

ДАВОМ ЭТАДИ

КЎРИКДАН МАҚСАД —КЎНГИЛЛИ СТРАХОВАНИЕ ҚИЛИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШДАН, ДАВЛАТ СТРАХОВАНИЕСИГА ИШЧИЛАР ВА ХИЗМАТЧИЛАР ЎРТАСИДА СТРАХОВАНИЕ ШАРТЛАРИНИ, ШАРТНОМА ТЎЗИШ ШАРТЛАРИНИ ТУШУНТИРИШ БЎЙИЧА ҲАМКОРЛИК СОВЕТЛАРИ ИШИНИ АКТИВЛАШТИРИШДАН ИБОРАТДИР.

Кўрикда аҳоли ўртасида кўнгилли страхование қилишни ривожлантириш ва пропаганда қилишда Давлат страхованиесига ҳамкорлик кўрсатувчи Советлар, активистлар, корхона ва муассасалар, ташкилотлар, маҳалла комитетлари ва квартал комитетларининг жамоатчилари ҳамда алоҳида ходимлари иштирок этадилар.

Кўрикни ўтказишда бир мунча фаол қатнашган, кўнгилли страхование қилдиришда ишчилар, хизматчилар ва оилаларнинг кўпроқ қисмини жалб этган, оммавий-тушунтириш реклама ҳамда агитация ишларини яхши ташкил этган, страхование шартларини кўргазмали пропаганда қилишни юксак даражада таъминлаган ҳамда гражданлар ҳужаликларидаги буюмларни страхование қилиш бўйича мажбурий тўловларни муддатидан илгари йиғишга эришган Давлат страхованиесига ҳамкорлик кўрсатувчи Советлар, активист-жамоатчилар ва айрим ходимлар кўрик ғолиби деб топиладилар.

Кўрикка шаҳар комиссияси тақдим этган материаллар асосида 1983 йил 25 январгача халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия комитети Тошкент область касаба союзлари Совети билан биргаликда якун ясайдилар.

СТРАХОВАНИЕ ИШЛАРИ КЎРИГИ ҒОЛИБЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ МУКОФОТЛАР ТАЪСИС ЭТИЛДИ:

қизил байроқлар, халқ депутатлари шаҳар Совети ва Тошкент область касаба союзлари Советининг Фахрий ёрлиқлари;

пул мукофоти — 3 та биринчи—ҳар бири 150 сўмдан, 5 та иккинчи —ҳар бири 100 сўмдан ва 10 та учинчи — ҳар бири 60 сўмдан:

Қиймати 30 сўмдан 50 сўмгача бўлган 25 та совға.



СССР ДАВЛАТ СТРАХОВАНИЕСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги.

ЭКРАНДА ЗАНГОРИ

5 НОЯБРЬ — ЖУМА

Марказий телевиденнеининг «Восток» программаси

17.00 «Революционер бўлиш мураккаб лавозим». Ҳужжатли фильм премьераси. 17.50 «Голиб». Бадиий фильм. 19.25 «Гражданлар уруши қўшиқлари». Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси рус қўшиқлари академик хори ижро этади. 19.55 УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 65 ИЙЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ. БАЙРАМ КОНЦЕРТИ. Кремлнинг Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Время». Кўрсатув тугагач — «Театр учрашувлари». Кўрсатувлар охирида — Янгиликлар.

Марказий телевиденнеининг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.50 «Саянлар». Ҳужжатли фильм премьераси. 19.15 Сув полоси бўйича СССР чемпионати. МАСК (Ҳарбий-денгиз Флоти) — МДУ. 19.45 «Активлик, эҳтирос, эътиқод билан». Пропагандистларнинг иш тажрибалари ҳақида ҳужжатли фильмлар. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 Концерт. Кўрсатув тугагач— «Время». 21.45 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) — «Динамо» (Рига). В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Кичик спорт майдонидан олиб кўрсатилади.

Узбекистон телевиденнеининг программалари

I

17.45 Кўрсатувлар программаси. 17.50 «Ялпоқ баробан ҳақида эртак». Мультфильм. 18.10 Болалар учун концерт. 18.40 «Киноепублицист экрани». 19.25 «Ахборот» (рус., ўзб.). 19.55 Москва. УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 65 ИЙЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ. Кремлнинг Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.05 К. Яшин. «Инқилоб тонги». Ҳамза номли Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. Кўрсатув тугагач — Янгиликлар.

II

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 «БАМ — асримиз қурилиши». 18.40 «Волгадан Донгача». Телевизион ҳужжатли фильм. 18.50 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Чизма геометрия. 19.50 «Бузулуқ ўрмони». Телевизион ҳужжатли фильм. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз — 80-йиллар комсомоллари». 20.50 «Олам узра байроқлар». Ҳужжатли фильм. 21.30 МТ II.

6 НОЯБРЬ — ШАНБА

Марказий телевиденнеининг «Восток» программаси

9.00 «Время». 10.05 «Ота-оналар, Сизлар учун». 10.35 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик». 11.05 «Спортлото»нинг 45-тиражи. 11.15 Болалар учун. «Оловли болалик». Бадиий фильм. 12.20 И. Дунаевский қўшиқлари мавзуларига ёзилган фантазия. 12.30 «Москвичка». Телевизион клуб. 14.00 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 15.00 «Дунё воқеалари». 15.15 «Қалбга яқин қўшиқлар». 16.05 Мультфильмлар. 16.30 «Ҳамдўстлик». Телевизион журнал.

17.00 «Имконият чегараси». А. С. Пушкин номли Ленинград академик драма театри фильм-спектаклининг премьераси. Автори И. Герасимов. 19.40 «Жаҳон халқларининг ижоди». 20.10 «Буюк халқ ҳақиқати». «Коммунистлар». 1-фильм. Кўп серияли телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Кўрсатувни СССР халқ артисти М. Ульянов олиб боради. 21.30 «Время». 22.05 «Давраня кенг олинг». Эстрада программаси. 23.40 Янгиликлар.

Марказий телевиденнеининг иккинчи программаси

17.00 «Кинотомошабин ҳамроҳи». 17.45 Халқаро обзор. 18.00 «Киносаёҳатчилар клуби». 19.00 «Балтика шуҳрати». Бадиий фильм. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Музикали киоск». 21.15 «Финишсиз масофа». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.30 «Время». 22.05 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Спартак»—«Химик». В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Кичик спорт майдонидан олиб кўрсатилади.

Узбекистон телевиденнеининг программалари

I

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Болалар учун. «Мен, сен ва мультик». 10.50 Мактаб ўқувчилари учун. «Сўз кетидан сўз келар». 11.10 Алла Пугачёва концерти. 12.35 «Тутқич бермас қасоскорлар». Бадиий фильм. 14.00 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Пионер горнлари янграйди». Фильм-концерт. 18.35 Болалар учун. «Кувноқлар даврасида». 19.15 «Ахборот» (рус.). 19.30 В. Маяковский. «Владимир Ильич Ленин». Поэма. 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси дуторчи қизлар ансамблининг концерти. Янги программа. 21.30 Москва. «Время». 22.05 Концерт. 22.50 «Хирмонингизга барака». 23.00 Ўзбекистон санъат усталари ва ижрочи ёшлар концерти. В. И. Ленин номли СССР Халқлари дўстлиги саройидан олиб кўрсатилади. Трансляция пайтида ёзиб олинган. 00.20 Кўрсатувлар программаси.

Тожикистон телевиденнеининг программаси

4 бет ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

ВИЗНИНГ АДРЕС: 700000. Тошкент — ГСП. Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ— 32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари —32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот— 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари —32-55-32; хатлар — 33-79-70; эълонлар бўлими— 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

5 НОЯБРЬ, 1982 й Р—03277. Газета Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет босма усулида босилган. Тошкент шаҳри. В—2524 Индекс 64691.